

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

ШАМСИЕВ АНВАР АКБАРОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИГА МОС ШИРИН КАРТОШКА
(БАТАТ) НАВЛАРИНИ АЖРАТИШ ВА ЎСТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation
of agricultural sciences**

Шамсиев Анвар Акбарович

Зарафшон водийси шароитига мос ширин картошка (батат) навларини ажратиш ва ўстириш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Шамсиев Анвар Акбарович

Выделение сортов сладкого картофеля (батата) и совершенствование технологии их возделывания в условиях Зарафшанской долины..... 21

Shamsiev Anvar Akbarovich

Selection of sweet potato's (batatas) varieties and improvement of their cultivation technology for the conditions of the Zarafshan valley 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

ШАМСИЕВ АНВАР АКБАРОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИГА МОС ШИРИН КАРТОШКА
(БАТАТ) НАВЛАРИНИ АЖРАТИШ ВА ЎСТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx607 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институти (Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали)да бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Остонақулов Тоштемир Эшимович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Атабаева Халима Назаровна,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расулов Фахриддин Фахмуддинович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.

Етакчи таъкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05./30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «28» 11 2020 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37. E-mail: paxtauz@mail.ru

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурсе марказида танишиш мумкин (98 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «13» 11 куни тарқатилди.
(2020 йил «13» 11 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ширин картошка (батат) дунёнинг тропик ва субтропик мамлакатларида (Хитой, Малави, Танзания, Нигерия, Индонезия, Ҳиндистон, Япония, Корея, АҚШ, Мексика, Конго, Уганда кабиларда) асосий озиқ-овқат экини сифатида 8,7 млн. гектар майдонда экилиб, 113 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилади. Шунинг 64 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келади¹. У асосан крахмал ва шакарга бой туганак меваси учун етиштирилади. Туганак мевасида 90 фоизгача углеводлар мавжуд. Озиқ-овқатда туганак меваси пишириб, қовуриб, қайнатиб истеъмол қилинса, саноатда крахмал олиш учун ишлатилади. 1 кг ҳўл туганак мевасида 1200 – 1250, қайнатилган ёки консервланганда эса 1750 – 2000 килокалория сақлайди.

Батат етиштирувчи етакчи мамлакатларда бу экинни ўстиришда ўсимлик ўсиш ва ривожланишига қулай шароит яратадиган самарали тадбирларни белгилаш, барқарор, юқори, сифатли ҳосил шаклланишига имкон берадиган муайян тупроқ ва иқлим шароитига мосланувчан навларини танлаш, яратиш, ресурстежамкор замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Мамлакатимизда ширин картошканинг турли ҳудуд тупроқ ва иқлим шароитлари учун мос янги навларини танлаш ва яратиш, уларни етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ширин картошка янги экин бўлсада, ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар, лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида 3.3 «...қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларини жорий этиш²» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, муайян шароитда ширин картошка нав намуналар тўпламини ҳар томонлама баҳолаш асосида истиқболлиларини ажратиш, улардан юқори сифатли ҳамда арзон ҳосил олишга қаратилган агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб, илмий ва амалий жиҳатдан асослаш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган

¹<http://www.fao.org/statistics/en/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ширин картошка навларини, ўстириш ва жадал кўпайтириш технологиясини ўрганиш бўйича мамлакатимизда Н.Н.Балашев, Г.О.Земан, Б.В.Борисов, Р.Ф.Мавлянова, С.М.Межидов, хорижда эса W.Chen, J.Xu, C.Chang, A.Mais (Хитой); O.Sasaki, A.Yuda, K.Ueki (Япония); J.S.Park, J.Y.Kim, J.K.Hye ва бошқалар (Жанубий Корея); C.Clark, B.Watson, T.Coolong, R.Bessin, T.Woods, S.Fannin (АҚШ); P.Prakash, P.Kishore, D.Jaganathan, S.Immanual, P.S.Sivakumar (Ҳиндистон); M.Yoshimodo, R.Kurata, S.Okuno (Малайзия); T.Abdissa, A.Chali, K.Tolessa, F.Tadese, G.Awas (Эфиопия); А.В.Федоров, Д.А.Зорин, С.А.Мусихин, Б.М.Магамедова (Россия) кабилар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган.

Лекин, ширин картошка нав намуналар тўпламини ҳар томонлама баҳолаб, истиқболлиларини ажратиш, янги навлар яратиш, уларни жадал кўпайтириш ва ўстириш технологиясининг асосий элементлари – мақбул мульчалош турлари, экиш усули ва туп қалинлиги, суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларини ишлаб чиқиш асосида агротехнологик тадбирлар тизимини яратиш борасида тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-270 рақамли «Республика ҳудудларининг табиий – иқлим шароитларига мос картошка, кунгабоқар, сабзаёт (ширин) маккажўхори, топинамбур (ер ноки) ҳамда бататнинг янги нав ва дурагайларини яратиш» (2018–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон водийси шароитида ширин картошка (батат) нав намуналари тўпламини тезпишарлиги, ўсиши, ривожланиши, жадал кўпайиши, ҳосил шаклланиши, маҳсулдорлиги, уяда туганакларнинг ғуж жойлашиши, умумий ва товар ҳосилдорлиги, туганаклар биокимёвий таркиби ҳамда сақланувчанлиги бўйича ҳар томонлама баҳолаиб, истиқболлиларини ажратиш асосида юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи агротехнологик тадбирлар тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон водийсининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ширин картошка нав намуналари тўпламини кўчат чикими, тезпишарлиги,

ўсиши ва ривожланиши, жадал кўпайиши, ҳосил тўплаш тезлиги, маҳсулдорлиги, уяда туганакларнинг ғуж жойлашиши, умумий ва товар ҳосилдорлиги, туганаклар биокимёвий таркиби ҳамда сақланувчанлигини аниқлаш;

ажратилган ширин картошка навларининг кўчати далага ўтказилгач, турли мульчалош турларининг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, туп шаклланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва товар ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

танланган батат навларининг кўчатлари турли қатор ораси кенглиги ва туп қалинликларида етиштирилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, умумий ва товар ҳосилдорлигини белгилаш;

турли суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар меъёрларида ширин картошка навларининг ўсиши, палак ва туганак шаклланиши, ҳосилдорлиги ва сақланувчанлигини ўрганиш;

ажратилган ширин картошка навларини мақбул агротехнологик тадбирлар асосида етиштирилганда иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон водийсида кенг тарқалган, қадимдан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқ, ширин картошканинг 18 та нав намуналари, 3 та мульчалош тури, 2 та қатор ораси кенглиги, 6 та туп қалинлиги, 3 та суғориш тартиби, 5 та минерал ўғитлар меъёрлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қадимдан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида ширин картошка нав намуналари тўпламини баҳолаш асосида ажратилган навларини турли мульчалош турлари, қатор ораси кенглиги ва туп қалинлиги, суғориш тартиблари ва минерал ўғитларнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, ҳосил миқдори, сифати ва сақланувчанлигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Бутунроссия ўсимликшунослик институти, Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат комиссияси услуги ҳамда тавсиялари асосида олиб борилган.

Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов усулида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зарафшон водийсининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ширин картошка нав намуналари тўплами кўчат чиқими, тезпишарлиги, ўсиши ва ривожланиши, жадал кўпайиши, ҳосил тўплаш тезлиги, маҳсулдорлиги, уяда туганакларнинг жойлашиши, умумий ва товар ҳосилдорлиги, туганаклар биокимёвий таркиби ҳамда сақланувчанлиги бўйича ҳар томонлама баҳоланиб, истиқболлилари ажратилган, етиштириш агротехнологиялари такомиллаштирилган;

ажратилган ширин картошка навларининг кўчати далага ўтказилгач, турли мульчалаш турларининг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, палак ва туганак шаклланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва товар ҳосилдорлигига таъсири ҳамда пайкал тупроғининг ҳарорати ва намлигини бошқариш аниқланган;

танланган батат навларининг кўчатлари турли қатор ораси кенглиги ва туп қалинликларида ўстирилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши ҳамда умумий ва товар ҳосилдорлиги ўрганилиб, мақбул қатор ораси кенглиги ва туп қалинлиги белгиланган;

турли суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар меъёрларида ширин картошка навларининг ўсиши, палак ва туганак шаклланиши, ҳосилдорлиги ва сақланувчанлиги баҳоланиб, кўчат ўсиш, юқори ва сифатли товар ҳосилини ҳамда сақланувчанликни таъминловчи мақбул суғориш тартиби ва минерал ўғитлар меъёрлари аниқланган;

ажратилган ширин картошка навларини мақбул агротехнологик тадбирларда ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган ва ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Зарафшон водийсининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ширин картошканинг ажратилган Хазина, Хар-Вау, Сочакинур, Јарап каби навларини чигит (юпқа) плёнка билан мульчалаб, 90x20x1 ёки 70x25x1 см тартибда гектарига 55,5 – 57,1 минг туп қалинликда, ўсув даврида суғориш тартибини ЧДНС га нисбатан 70-80 фоизда ушлаш учун 12 марта 5 – 7 тартибда, яъни «кўчат ўтказилгач-палак қатор орасини ёпгунча» 5 марта, «палак қатор орасини ёпгандан - пишишгача» 7 марта суғориш, минерал ўғитларни N₂₀₀P₁₆₀K₁₀₀ кг/га меъёрда қўллаш орқали энг юқори товар (38,4 – 56,4 т/га) ҳосилдорлик ҳамда ҳар гектардан 25,3 – 48,7 млн.сўм соф даромад ва 88,6 – 161,2% рентабеллик ёки назоратга нисбатан 8,4 – 12,0 млн.сўм қўшимча соф даромад ва 24,6 – 31,3% рентабеллик даражаси таъминланган.

«Ширин картошка (батат) нинг ажратилган навлари ва уларни ўстиришнинг такомиллашган агротехнологиясига оид тавсиялар» (2020 й.) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича илмий амалий лойиҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижаларининг республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларида чоп этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича тавсиялар яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – Зарафшон водийсининг суғориладиган

ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ширин картошка нав намуналари тўпламининг кўчат чиқими, тезпишарлиги, ўсиши ва ривожланиши, жадал кўпайиши, ҳосил шаклланиши, маҳсулдорлиги, уяда туганакларнинг жойлашиши, умумий ва товар ҳосилдорлиги, туганаклар биокимёвий таркиби ҳамда сақланувчанлиги бўйича ҳар томонлама баҳолаиб, истиқболлилари ажратилди. Ажратилган батат навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологиясининг асосий тадбирлари – қулай мульчалаш тури, экиш усули ва туп қалинлиги, суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – Самарқанд вилояти суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитидаги фермер ва томорқа хўжаликларида ширин картошканинг ажратилган Сочакинур, Хар-Вау, Јаран ва Ҳазина навларини ўстириш технологиясининг асосий элементлари – мақбул мульчалаш турлари, экиш усули ва туп қалинлиги, суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларини ишлаб чиқиш асосида сифатли ва арзон ҳосил олишни таъминловчи агротехнологик тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ширин картошка нав намуналари тўпламини ҳар томонлама баҳолаш, улардан истиқболлиларини ажратиш ҳамда юқори ва сифатли ҳосил олишга имкон берувчи агротехнологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер ва томорқа хўжаликлари учун «Ширин картошка (батат) ажратилган навлари ва уларни ўстиришнинг такомиллашган агротехнологиясига оид тавсиялар» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 02/027-2582-сонли маълумотномаси). Бунда фермер ва деҳқонлар учун ширин картошка навларини етиштириш технологиясини мақбуллаштириш бўйича зарур тавсиялар берилган ва услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ширин картошканинг ажратилган Ҳазина, Сочакинур, Хар-Вау, Јаран каби навларини Самарқанд вилояти Тойлоқ туманининг «Райхон» фермер хўжалигида 6 гектар, «Чаросой Шохрузбек илм» фермер хўжалигида 4,5 гектар ҳамда СПЕКИТИ Самарқанд илмий тажриба станциясида 3,3 гектар майдонга ўстиришнинг такомиллашган агротехнологияси, яъни юпка (чигит) плёнка билан мульчалаш, мақбул экиш усули 90x20x1 ёки 70x25x1 см тартибда гектарига 55,5-57,1 минг туп қалинликда, суғориш тартибида тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-80% да ушлаш учун ўсув даврида 12 марта 5-7 тартибда суғориш, минерал ўғитларни $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрида қўллаш жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги 02/027-2582-сонли маълумотномаси). Натижада ширин картошка гектаридан навлар бўйича 38,4-56,4 тоннагача товар ҳосилдорликка эришилган;

Самарқанд вилоятининг фермер хўжаликларида мазкур ширин картошка навлари ва уларнинг такомиллашган технологияси жами 13,8 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 августдаги

02/027-2582-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар гектардан 25,3 – 48,7 млн.сўм соф даромад ва 88,6 – 161,2% рентабеллик ёки назоратга нисбатан 8,4 – 12,0 млн.сўм қўшимча соф даромад ва 24,6 – 31,3% рентабеллик даражаси таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили институт (СамВМИ) махсус комиссияси ва республика ҚХВ, ҚХООТИИЧМ мутахассислари томонидан синовдан ўтган ва ижобий баҳоланган, жумладан 5 та Халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда ҳар йили СамВМИнинг илмий ҳисобот ва «Ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш» кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ширин картошка (батат) навларини ва ўстириш агротехнологиясини ўрганиш борасида илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар ҳамда электрон манбалар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, муайян шароитда ширин картошка (батат) нав намуналари тўпламини ҳар томонлама баҳолаш асосида истиқболлиларини ажратиш ҳамда уларни ўстириш агротехнологиясини ишлаб чиқиб барқарор юқори ҳосил олиш агротадбирлар тизимини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот жойи, шароити, объекти, йўналишлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тажриба ўтказиш йўналишлари ҳамда услублари баён этилган.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари 2017 – 2020 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани «Райхон» фермер хўжалигининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилгани, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ эканлиги, сизот сувлари 5 – 6 м чуқурликда жойлашганлиги, шўрланмаганлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Тажриба даласининг тупроғини агрохимёвий тавсифлаш учун ҳайдов (0 – 30 см) ва ҳайдов ости (31 – 50 см) тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинганда, тупроқ қатламларида тегишлича гумус миқдори 1,22 ва 1,10; ялпи азот 0,12 ва 0,08; ялпи фосфор 0,20 ва 0,16; ялпи калий 2,51 ва 2,30 %, нитрат азоти 16,6 ва 11,4; ҳаракатчан фосфор 21,8 ва 13,4; алмашувчан калий 230 ва 198 мг/кг бўлиб, тупроқ сувли сўримининг муҳити нейтрал ёки кучсиз ишқорий бўлиб, рН=7,1-7,2 эканлиги тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Зарафшон водийси, шу жумладан Самарқанд вилояти иқлим шароити кескин континентал минтақага кириб, денгиз сатҳидан 800 м баландда жойлашган. Совуқсиз (0⁰С дан паст бўлмаган) кунлар йиғиндиси ўртача 235 кунга тенг. Ҳавонинг ўртача ҳарорати 15 – 16 ⁰С, абсолют максимум +42 ⁰С ва абсолют минимум – 17 ⁰С. Март ойидаги тупроқ ҳароратининг (+5,8 – 6,7 ⁰С) ширин картошка кўчати тайёрлаш ишларини бошлаш имконини бериши ҳақида маълумотлар берилган.

Йиллик ёғингарчилик миқдори кўп йиллик маълумот бўйича 358 мм бўлиб, 2017 йил – 336,4; 2018 йил – 237,5 ва 2019 йил – 445,4 миллиметрни ташкил этган, яъни 2018 йил ёғин кам бўлиб, қурғоқчил келгани келтирилган. Ҳаво ҳарорати тадқиқотлар ўтказилган барча йилларда кўп йилликдан 1,9 – 2,2 ⁰С юқорилиги қайд этилган.

Тажриба мақсад ва вазифаларини бажариш учун қуйидаги йўналишларда дала тажрибалари ўтказилган:

1-тажриба. Зарафшон водийси шароитида ширин картошка нав намуналарини комплекс (ҳар томонлама) баҳолаб, истиқболлиларини ажратиш. Бунинг учун бататнинг 18 та нав намуналари синалди.

2-тажриба. Ажратилган батат навларининг кўчати далага ўтказилгач, турли мульчалаш турларининг ўсимлик ҳосилининг шаклланиш жадаллиги, маҳсулдорлиги ва товар ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш. Бунинг учун батат Сочакинур ва Ҳаг-Вау навлари мульчасиз (назорат), чириган, эланган гўнг билан пуштани (1 – 2 см қалинликда) мульчалаш (3 – 4 т/га) ва юпқа плёнка (қалинлиги 0,008 мм) билан мульчаланиб, ўзаро солиштирилди.

3-тажриба. Ширин картошка навларининг кўчатлари қатор ораси 70 ва 90 см кенгликларда ҳар уяга 1, 2 ва 3 донадан ўтказилиб, турли туп қалинликларда ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши ва товар ҳосилдорлигини ўрганиш. Ушбу дала тажрибасида бататнинг Сочакинур ва Ҳаг-Вау навлари қатор ораси 70 ва 90 см тартибларда ҳар бир уяга 1, 2 ва 3 та кўчатдан ўтказилиб, гектарига 57,1, 114,1, 171,3, 55,5, 111,1 ва 166,5 минг туп қалинликларда экилиб, ўзаро таққосланди.

4-тажриба. Турли суғориш тартибларининг бататнинг ажратилган навларининг ўсиши, палак ва туганак шаклланиши, ҳосилдорлиги ва

сақлануванлигига таъсирини баҳолаш. Тажрибада бататнинг Хар-Вау ва Сочакинур навлари 3 та суғориш тартиблари, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70, 70-70 ва 70-80 % ўрганилди.

5-тажриба. Батат (ширин картошка) навларининг туп шаклланиши, ҳосилдорлиги ва сақланувчанлигига минерал ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш. Тадқиқотда ажратилган Сочакинур ва Хар-Вау навлари қуйидаги ўғитлар меъёрларида ўзаро таққосланди: 1. Ўғитсиз (назорат); 2. $N_{100}P_{80}K_{50}$ кг/га; 3. $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га; 4. $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га; 5. $N_{250}P_{200}K_{125}$ кг/га.

Дала тажрибаларида дельянканинг майдони ўғитлар бўйича 56 м^2 , навлар бўйича 28 м^2 . Такрорлар 4 та бўлди.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парваришlash, кузатиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилгани кўрсатилган.

Бундан ташқари мазкур бобда ширин картошка андоза Хазина нави таърифи ҳамда тажрибада батат кўчати етиштириш ва далада ўстириш технологияси, технологик харитаси батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Ширин картошка нав намуналарини ўрганиш натижалари**» деб аталган учинчи бобида батат нав намуналарини кўчат чиқими ва тезпишарлиги, ўсимлик ўсиши ва ривожланиши, палак ва туганак ҳосили шаклланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва тупнинг компактлиги, ҳосилдорлиги ва товар туганаклар чиқими, туганаклар биокимёвий таркиби ва сақланувчанлиги бўйича баҳолаш натижалари тўлиқ баён этилган.

Тадқиқотларга кўра, ширин картошка нав намуналари кўчат чиқими бўйича фарқланиб, битта туганакдан кўчат чиқими 5,6 дан 19,8 донани ташкил этди. Энг кўп (14,7 – 19,8 дона) кўчат чиқими Сочакинур, Japan, Победа, Jewell, Хазина, Хар-Вау, Vonita намуналаридан олинган.


Батат синалган намуналарининг тезпишарлиги, яъни ўсув даври 121 – 145 кунни ташкил қилиб, энг тезпишар (121 – 133 кун) Сочакинур, Хар-Вау нав намуналари бўлди. Стандарт Хазина навида 140 кун бўлиб, унга нисбатан Победа, Yellow, Pumpkin, Chestnut, Kumara Red, Betty, Beauregard, Sumor, Japan, Porto Rico, Nancy Hall намуналари тезпишар эканлиги аниқланган.

Ўрганилган батат нав намуналарида ўсимлик бўйи, ён поя, баргланганлик ва барг сатҳи ўсув даври бошидаёқ (кўчат ўтказилгач 30-куни) сезиларли фарқланиб, энг баланд бўйли (26,0 – 29,1 см), серпояли (3 – 4 дона), баргли (62–71 дона) ва сатҳили ($0,19 - 0,21 \text{ м}^2$), бақувват палакли (280 – 293 гр) ўсимликлар Сочакинур, Japan, Хар-Вау намуналарида кузатилди. Ушбу устунлик ўсув даври давомида сақланиб, 120-кунда мос равишда 157,2 – 188,9 см, 14 – 15 дона, 234 – 260 дона ва $0,70 - 0,78 \text{ м}^2$, 486 – 501 граммни ташкил этди.

Батат нав намуналарида кўчат далага ўтказилгач, дастлабки ўсув даврида (30 – 60 кунларда) ўсимлик асосан ер устки қисми шаклланиши (палакнинг туганакка нисбати 1,0:0,7 – 1,3 гача бўлиши), ўсув даврининг 2-ярмида (60–120 кунларда) эса асосан туганак ҳосили шаклланишини кўрсатди. Бу даврда туганак палакдан 2,1–2,5 марта зиёд бўлиши аниқланган. Стандарт Хазина навида

нисбатан Сочакинур, Хар-Вау, Јаран навларида ҳосил тўплаш жадаллиги юқори эканлиги, ўсув даври охирида бир туп палак массаси 453 – 501, туганак ҳосили эса 991 – 1178 граммни ташкил этилиши қайд этилган (1-расм).

Энг юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари (1003 – 1265 гр) Сочакинур, Хар-Вау, Јаран, Kumara Red, Bonita, Beauregard нав намуналарида олиниб, уяда туганаклар жойлашуви ғуж эканлиги, ранги оқ, сарик, сарғиш, қизил, пушти, оч пушти, шакли узунчоқ, узун овал, узун ноксимон, кўзчалари юза эканлиги билан ажралиб турди.



1-расм. Батат нав намуналарида палак ва ҳосил шаклланиши.

Энг юқори ҳосилдорлик (45,0 – 45,7 т/га), шундан товар ҳосили 43,8 – 44,8 т/га ёки 97,4 – 98,0% ширин картошканинг Сочакинур, Хар-Вау, Јаран намуналарида қайд этилиб, қўшимча ҳосилдорлик 11,0 – 11,7 т/га ёки 132,3 – 134,5% бўлди (1-жадвал).

Батат намуналари туганаги таркибидаги куруқ модда 21,7 – 23,2 фоизни, крахмал 12,4 – 14,4 фоизни ташкил қилиб, энг кўп куруқ модда (22,5 – 23,2%) ва крахмал (14,0 – 14,4%) Сочакинур, Хар-Вау, Bonita, Georgia Jet, Nancy Hall намуналарида кузатилди. Туганак таркибидаги шакар миқдори 5,2 – 6,8 фоизни, оқсил эса 1,6 – 2,0 фоизни ташкил этиб, сезиларли фарқланмади. Аскорбин кислотаси миқдори намуналар бўйича 5,0 – 10,6 мг/% ни ташкил этиб, энг кўп (9,2 – 10,6 мг/%) сақлаш бўйича Сочакинур, Хар-Вау, Јаран намуналари аниқланди.

Ширин картошка нав намуналарининг сақланувчанлиги ўрганилганда, жами табиий сўлиш 4,8 – 6,8 фоизни, жами нобудгарчилик эса 4,8 – 8,0 фоизни, сақлангандан сўнг соғлом, стандарт туганаклар чиқими 92,0 – 95,2 фоизни ташкил этди. Энг яхши сақланувчанлик даражаси (4,8 – 5,9 балл) Хар-Вау, Сочакинур, Kumara Red, Bonita, Sumor, Japan, Porto Rico, Georgia Jet, Nancy Hall намуналарида кузатилиб, яхши ва қониқарли баҳоланди.

Ширин картошка (батат) нав намуналари ҳосилдорлиги ва товарлилиги

№	Нав номи ва келиб чиқиши	Йиллар бўйича ҳосилдорлиги, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосил		Стандартга нисбатан	
		2017	2018	2019		т/га	%	т/га	%
1.	Хазина (UZ)-st	34,0	32,0	36,0	34,0	33,0	97,1	-	100,0
2.	Победа (RU)	38,1	34,7	34,3	35,7	33,3	93,3	1,7	105,0
3.	Yellow (JP)	37,0	29,5	32,5	33,0	30,8	93,3	-1,0	97,1
4.	Pumpkin (KP)	45,5	37,8	40,7	41,3	38,7	93,6	7,3	121,6
5.	Сочакинур (UZ)	47,4	43,7	46,1	45,7	44,8	98,0	11,7	134,5
6.	Хар-Вау (CN)	48,0	43,4	44,5	45,3	44,1	97,4	11,3	133,2
7.	Chestnut (KP)	40,4	38,1	39,2	39,2	37,7	96,1	5,2	115,4
8.	Kumara Red (EE)	43,6	39,8	41,7	41,7	39,9	95,7	7,7	122,6
9.	Betty (IT)	40,2	35,6	38,3	38,0	35,5	93,3	4,0	111,9
10.	Beauregard (US)	44,4	38,0	40,5	41,0	39,4	96,2	7,0	120,5
11.	Jewell (US)	34,1	32,2	32,4	32,9	30,8	93,6	-1,1	96,8
12.	Bonita (IS)	43,7	40,5	41,7	42,0	41,2	98,2	8,0	123,4
13.	Sumor (JP)	36,2	40,3	38,6	38,4	37,3	97,2	4,4	112,8
14.	Japan (JP)	46,7	43,0	45,2	45,0	43,8	97,4	11,0	132,3
15.	Porto Rico (PT)	39,8	37,3	41,3	39,5	37,2	94,3	5,5	116,1
16.	Georgia Jet (US)	40,7	37,5	36,6	38,3	36,3	94,9	4,3	112,5
17.	Nency Hall (US)	44,6	42,1	42,7	43,1	41,9	97,1	9,1	126,9
18.	Beige (US)	42,2	37,8	41,5	40,5	39,5	97,5	6,5	119,1

$$S_x(\%) = \mathbf{1,16 \quad 2,11 \quad 1,26}$$

$$ЭКФ_{05}(\text{т/га}) = \mathbf{1,39 \quad 2,32 \quad 1,45}$$

Диссертациянинг «Батат ажратилган навларини ўстириш ва сақлаш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида турли навларнинг ўсиши, ҳосил шаклланиш жадаллиги, маҳсулдорлик ва товар ҳосил чиқимиға мультчалош турларининг таъсири, турли қатор ораси кенглиги ва туп қалинлигида батат навларининг ўсиши, ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлиги ва товарлилиги, суғориш тартиблари ҳамда минерал ўғитлар меъёрларининг батат навларининг ўсиши, палак ва туганаклар шаклланиши, ҳосилдорлик ва сақланувчанликка таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, турли мультчалошларда батат навларининг ўсиш ва ривожланиши фарқланиб, кўчат ўтказилгандан пишишгача бўлган давр мультчаланган вариантларда 2 – 3 кунга узайиб, Сочакинур навида 127 – 128, Хар-Вау навида эса 134 – 135 кунни ташкил этиб, ўсимликлар ўсув даври бошидаёқ (30-куни) 5,9 – 7,5 сантиметрга баланд бўйли бўлиб, ушбу устунлик ўсув даври охиригача сақланиши ва 120-куни мультчасиз (назорат) вариантда навлар бўйича 158,1 – 187,6; чириган гўнг билан мультчаланганда 167,3 – 191,5; юпка плёнка билан мультчаланганда 169,2–194,3

сантиметрни ташкил қилди.

Тупроқнинг 0 – 10 см қатламида мульчалаш орқали ҳарорат ва намлик режимини бошқариш имкони яратилиб, кўчат ўтказилгач, 3-куни ҳарорат мульчасиз вариантга нисбатан мульчаланган вариантларда 1,2 – 1,6 °С га, тупроқ намлиги 0,2 – 0,4 фоизга, 15-куни, мос равишда, 1,4 – 1,9 °С ва 0,3 – 0,6 %, 20-куни эса, 1,3-1,7 °С ва 0,3-0,5 фоизга юқори бўлгани аниқланди. Батат ажратилган навларини мульчалаб ўстириш, тупроқ намлиги ва ҳароратини бошқариш асосида қулай (0,76 – 0,84 м² ёки ҳар гектарда 45,0 – 50,4 минг м² барг сатҳини ўз вақтида жадал шакллантириш имконини берди. Натижада ҳосил тўплаш жадаллашиб, бир туп туганак ҳосили 55 – 66 граммга ошгани аниқланди.

Батат ажратилган навларидан энг юқори (48,0 – 51,7 т/га) ҳосилдорлик юпқа плёнка билан мульчаланганда олиниб, қўшимча ҳосил 4,8 – 5,7 т/га ни ташкил этди.

Тадқиқотларимиз якунида батат Хар-Вау нави 70x25x1см тартибда 57,1 минг туп қалинликда экилганда ўсув даври 135 кунни ташкил этиб, туп қалинлиги 171,3 минг тупга оширилганда эса, 3 – 6 кунга қисқаргани, 90x20x1см тартибда 55,5 минг туп қалинликда экилганда – 137 кунни, туп қалинлиги 166,5 минггача зичлаштирилганда 2 – 4 кунга қисқаргани, лекин қатор ораси кенглиги 70 см бўлганга нисбатан ўсув даври 2 – 4 кунга узайгани кузатилди. Бататнинг Сочакинур навида ҳам ушбу қонуният такрорланиб, қатор ораси 70 см бўлганда ўсув даври 123 – 127 кунни ташкил этиб, туп қалинлигининг 57,1 дан 171,3 минг тупгача оширилиши туфайли ўсув даври 2–4 кунга, қатор ораси 90 см бўлганда эса 3 – 6 кунга қисқаргани, лекин 70 см кенгликка нисбатан 1 – 3 кунга узайгани маълум бўлди.

Кўчат далага ўтказилгач, ўсув даври 30-куни иккала навда ҳам ўсимлик бўйи 70x25x1 ва 90x20x1 см тартибларда юқори бўлиб, бу устунлик ўсув даври охиригача сақланди. Энг баланд бўйли ва жадал ўсиш батат Сочакинур нави 90x20x1 см тартибда 55,5 минг туп қалинликда экилганда кузатилиб, кўчат ўтказилгач, ўсув даврининг 30-куни ўсимлик бўйи 41,6, 60-куни 92,5, 90-куни 157,8 ва 120 куни 194,5 см бўлиб, ўсиш 50,9; 65,3 ва 36,7 сантиметрни ташкил этди.

Батат навлари 70x25x1 ёки 90x20x1 тартибларда 55,5 – 57,1 минг туп қалинликларда экилганда, ўсув даврининг 90-кунидан бошлаб, қулай барг сатҳи ҳосил бўлиши (38,3 – 42,8 минг м²) қайд этилди. Бу кўрсаткич 120-куни 46,3–50,8 минг м² ни ташкил этди. Шунинг учун энг юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари (бир туп туганак ҳосили ўрганилган навларда 1227–1414 г, бир тупдаги туганаклар сони 8,9 – 9,2 дона, бир тупдаги битта туганак ўртача вазни 137–153 грамм) экиш 70x25x1 ва 90x20x1 см тартибда гектарда 55,5–57,1 минг туп қалинликда экилганда кузатилди. Ҳар бир уяга 2–3 тадан кўчат ўтказилганда бир уя маҳсулдорлиги ўрганилган батат навларида 947–976 граммгача камайиб, туганаклар сони 13,2 – 18,7 донагача ошганлиги, лекин вазни 51–53 граммгача камайиб, шакли ўзгарганлиги, товарлиги пасайганлиги аниқланди.

Батат навлари 70x25x1 ва 90x20x1 см тартибларда 55,5 – 57,1 минг туп қалинликларда экилганда энг юқори ҳосилдорлик 43,6 – 47,8 т/га, шундан товар ҳосил 41,0 – 46,6 т/га ёки 94,0 – 97,5% бўлганлиги қайд этилди. Қатор ораси 90 см бўлганда 70 см кенгликка нисбатан гектаридан 2,5 – 2,6 тонна қўшимча ҳосил олишни таъминлади.

Маълумотларга кўра, ширин картошка навларининг суғоришолди тупрок намлигини 70-80 фоизда ушланганда ўсув даври 3 кунга узайиб, ўсимлик баланд бўйли (179,8 – 196,3 см), баргланган, яъни барг сатҳили (0,85 – 0,92 м² ёки 48,5 – 52,5 минг м²) бўлиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ортиши, лекин баргдаги хлорофилл миқдори камайиши тенденцияси кузатилиб, энг юқори фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва хлорофилл миқдори 90-куни кузатилиб, мос равишда, 5,11 – 6,32 г/м² суткада ва 530,6 – 558,5 мг/100 г баргда қайд этилди.

Энг юқори (53,1 – 55,4 т/га) ҳосилдорлик, шундан товар ҳосил 51,8 – 54,4 т/га батат навларидан суғориш тартиби 70-80% бўлиб, ўсув даврида 12 марта 5 – 7 тартибда суғорилганда олинди (2-жадвал).

Шунда ҳар гектардан 7,2 – 7,8 тонна қўшимча ҳосил олиш таъминланган, назорат суғориш тартибига (65 – 70 %) нисбатан 1 м³ сув сарфида ҳосил чиқими 1,64 – 1,66 кг кўп эканлиги, 1 ц ҳосилга сув сарфи 5,0 – 5,6 м³ га камайгани кузатилган. Суғориш тартиблари батат навлари сақланувчанлигига сезиларли таъсир этиб, жами нобудгарчилик 70 – 80 % суғориш тартибида энг кўп бўлиб, 5,5 – 6,2 % ни ташкил этиб, сақланувчанлик даражаси «қониқарли» баҳоланган.

Ўтказилган тажрибаларда таъкидланишича, турли минерал ўғитлар меъёрлари қўлланилганда батат ўсув даври Хар-Вау навида 131 – 139, Сочакинур навида 125-134 кунни ташкил этиб, ўғитлар меъёрига боғлиқ равишда 2 – 3 кундан 8 – 9 кунгача узайган, ўсимлик бўйи кўчат ўтказилгач, 30 – куни навлар бўйича 32,6 – 45,8 см ташкил этгани, 90-кунгача жадал ўсиб, 120-куни 171,1 – 213,0 см, яъни ўғитсиз (назорат) вариантга нисбатан 10,6 – 40,4 см зиёд эканлиги кузатилди. Юқоридаги қонуният барг сатҳи шаклланишида қайд қилиниб, ўсув даври 90-куни ўғитсиз вариантда навларда 32,6 – 34,3 минг м² барг сатҳи ҳосил бўлган бўлса, N₂₀₀P₁₆₀K₁₀₀ кг/га меъёрда қўлланилганда 42,5 – 44,5 минг м², 120-куни эса 47,4 – 50,8 минг м² барг сатҳи юзаси шаклланди. Бу эса барқарор юқори ҳосил олиш учун мақбул кўрсаткич ҳисобланиб, ушбу ўғит меъёрида фотосинтез соф маҳсулдорлиги назоратга нисбатан 1,85 – 1,98 г/м² суткада, хлорофилл миқдори эса 65,7 – 69,4 мг/100 г баргда юқори бўлди. Минерал ўғитлар меъёри N₂₅₀P₂₀₀K₁₂₅ кг/га оширилганда, ўсув даври узайиб, палак кучли ўсиши, туганак шаклланиши ва пишиши кечикиши қайд этилди.

Ўрганилган батат навларидан энг юқори (51,2 – 52,8 т/га) ҳосилдорлик, шу жумладан товар ҳосил 49,3-50,2 т/га ўғитлар N₂₀₀P₁₆₀K₁₀₀ кг/га меъёрда қўлланилганда олинди, қўшимча ҳосил 18,5 – 18,7 т/га ни ташкил этди. Шунда туганаклар сақлангандан сўнг, соғлом, стандарт туганаклар чиқими 93,9 – 94,4% ташкил этиб, сақланувчанлик даражаси 5,6 – 6,2 балл бўлиб, «қониқарли» баҳоланди.

Ширин картошка ажратилган навларида турли суғориш тартибларининг ҳосилдорликка ва товар ҳосил чиқимига таъсири

№	Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, % ҳисобида	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосил		Стандартга нисбатан	
		2017	2018	2019		т/га	%	т/га	%
Хар-Вау навида									
1	65 – 70 (назорат)	47,0	43,1	45,8	45,3	43,1	95,2	-	100,0
2	70 – 70	50,4	45,6	49,8	48,6	46,9	96,4	3,3	107,3
3	70 – 80	56,3	51,0	52,0	53,1	51,6	97,1	7,8	117,2
	$S_{\bar{x}}(\%) =$	0,88	1,21	0,62					
	$\text{ЭКФ}_{05}(\text{т/га}) =$	1,80	2,26	1,21					
Сочакинур навида									
4	65-70 (назорат)	51,0	44,1	49,5	48,2	46,3	96,1	-	100,0
5	70-70	53,1	47,0	52,3	50,8	49,5	97,5	2,6	105,4
6	70-80	58,8	52,6	54,8	55,4	54,4	98,2	7,2	114,9
	$S_{\bar{x}}(\%) =$	0,56	0,57	0,67					
	$\text{ЭКФ}_{05}(\text{т/га}) =$	1,22	1,08	1,39					

Диссертациянинг «Ширин картошка истиқболли навларини мақбул агротехнологик тадбирлар асосида ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги» деб аталган бешинчи бобида Самарқанд вилояти суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида батат ажратилган навларини мақбул агротадбирларда ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги баён этилган.

Қайд этилган шароитда ажратилган ширин картошканинг истиқболли Сочакинур, Хар-Вау, Јарап навларини плёнка билан мульчалаб, 70x25x1 ёки 90x20x1 см тартибда гектарда 55,5 – 57,1 минг туп қалинликда экиб, ўсув даврида суғориш тартибини ЧДНС га нисбатан тупроқ намлигини 70-80 % да сақлаш, яъни 12 марта 5 – 7 тартибда суғориш ҳамда минерал ўғитларни $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёردа қўллаш орқали ҳар гектардан 37,6 – 48,2 млн.сўм қўшимча соф даромад ва 148,3 – 174,7 % рентабелликка эришилган.

